САНОАТ КОРХОНАЛАРИНИНГ ИННОВАЦИОН САЛОҲИЯТИ ВА УНГА ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ ОМИЛЛАР

Хамрокулов Улугбек Абдурахматович
University of Business and Science
ўқитувчиси, иф.ф.д. PhD
https://doi.org/10.5281/zenodo.15675628

Аннотация. *Ушбу мақолада саноат корхоналарининг инновацион салоҳияти, уни шаклланиш жараёни хамда унга таъсир қилувчи омиллар сингари масалалар ўрганилган. Саноат корхонасининг инновацион салоҳияти бўйича иқтисодчи-олимлар фикрлари таққосланиб, муаллиф томонидан ёндашувлар келтирилган.*

Калит сўзлар: *инновация, инновацион салоҳият, ресурс, иқтисодий фаолият, интеллектуал салоҳият.*

Кириш.

Республикамизда бозор муносабатларига ўтишнинг иқтисодиётни либераллаштириш босқичида тадбиркорлик субъектлари фаолият юритишларининг хуқуқий асоси яратилиб, қулай тадбиркорлик мухити шакллантирилди. Натижада йилдан-йилга тадбиркорлик субъектлари сони ортиб бормоқда. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «... инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмини яратиш»[1], «... иқтисодиёт тармоқларига, ижтимоий ва бошқа соҳаларга замонавий инновацион технологияларни тезкор жорий этиш Ўзбекистон Республикаси жадал ривожланишининг муҳим шартидир» [2] сифатида кўрсатиб ўтилган бўлиб, муҳим вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифаларнинг самарали бажарилиши турли мулкчилик шаклига асосланган хўжалик юритувчи субъектларда инновацион жараёнларни ташкилий-бошқарув механизмини халқаро стандартлар асосида такомиллаштиришни тақозо этади.

Бозор муносабатларига чуқурроқ кириб бориш жараёнида кучли рақобат юзага келиб, божхона худудларининг эркинлаштирилиши ишлаб чиқарувчилардан ушбу рақобат курашида иқтисодий таназзулга учрамаслиги хамда ривожланишлари учун махсулот нархини пасайтириш, сифатини яхшилаш шу билан бирга янги махсулот турларини тақдим қилишлари талаб қилинади. Бу каби ўзгаришлар саноат махсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар фаолиятида инновацион фаолиятни тўғри йўлга қўйиш орқали самарали амалга оширилади. Ишлаб чиқариш фаолиятида инновацион фаолиятни самарали бошқариш орқали ишлаб чиқариладиган саноат махсулотларининг ассортиментини кўпайтириб, уларнинг таннархини пасайтириш, ишлаб чиқариш хажмини ошириш хисобига олинадиган соф фойдаси хажмини кўпайтириш имконияти юзага келади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.

Бугунги кунда дунё иқтисодиётида инновациялар ижтимоий муаммоларнинг самарали ечимларини топиш хамда бизнеснинг рақобатбардошлигини оширишнинг драйверига айланди. Ривожланган давлатлар иқтисодиётида саноат махсулотларига оид

муаммоларини хал қилиш, даромадларнинг ўсиши тенденциялари ва ахолининг фаол турмуш тарзининг яхшиланиши, янги махсулотлар ишлаб чиқариш барчаси инновациялар яратилиши жараёнлари билан чамбарчас боғликдир. [3]

Фан техника тараққиётининг юксалиши натижасида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишш сохаларига янги инновацион техника (ускуна) ва технологиялар жорий қилинмоқда. Саноат корхоналарининг юксалишида инновациялар мухим ахамият касб этмоқда. Корхоналарининг келажаги унинг инновацион фаолият олиб бориши билан инновацион салохиятига бевосита боғлиқ бўлиб қолмоқда. Саноат корхоналарининг инновацион фаолиятини бошқариш, инновацион салохиятга таъсир этувчи омиллар, инновацион салоҳиятни бошқаришни самарадорлиги юзасидан кўплаб илмий тадқиқотлар олиб борилган. Жумладан Чарис Галаникс, Рутс Рама, Каролина Мачадо, Пауло Давим, Роберт Дов Буззел, Роберт Лесковар, Аленка Баггия, Питер Метикович [4,5,6,7,8,9] ва бошқалар, шунингдек, МДХ давлатлари орасида С.А. Кирюшин [10], А.Л.Кузина [11], И.Н.Казакова [12] ва бошқа олимлар томонидан саноат шу жумладан озиқ-овқат саноати корхоналарининг инновацион бошқаруви, инновацион фаолиятини бошқариш самарадорлиги, инновацион салохият ва унга таъсир қилувчи омиллар юзасидан илимй тадқиқот ишлари олиб борилган.

Роберт Лесковар, Аленка Баггия, Питер Метиковичлар кичик ва ўрта корхоналар фаолиятида инновацион потенциални баҳолаш юзасидан илмий-тадқиқот ишлари олиб боришган бўлиб, уларнинг методологияси бўйича марказий ўринда албатта инновация ўрин олган. Инновацион фаолиятда олтита йўналиш факторларини 2 гурухга бўлиб, биринчи гурухни инновацион салоҳият (молия, технология ва бозор) иккинчи гурухни инновацион ваколат (билим, маданият ва бошқарув) деб номланган. Инновацион салоҳият бу инновация янгилик учун ишлатилиши мумкин бўлган активлар(моддий ва номоддий)нинг дастлабки шартлари ва умумий кўрсаткичларидир. Корхонанинг инновацион ваколоти эса бевосита корхона персоналларини инновацияни амалга ошириш имкониятларини акс эттиради.[9]

С.А.Кирюшкиннинг фикрича корхонанинг инновацион потециали корхонанинг инновацион жараёнлари учун зарур бўлган омиллар ва шароитлар тизими сифатида тарифланади. Инновацион потенциал структурасини инновацион потенциал инфраструктураси ва унга таъсир қилувчи ички ва ташқи факторлар ташкил қилади. Корхонанинг инновацион потенциали корхонанинг ташкилий таркибининг марказий қисмига жойлаштирилади. Инновацион потенциланинг ошишида инновацион маданиятнинг юксалиши мухим ахамият касб этишини тадқиқ қилди. Унга қўра инновацион маданият инновацион салохиятдан (шахслар, корхона ва ташкилотлар) жамият тараққиёти манфаатларида самарали фойдаланишдан тортиб, уни ислох қилишгача бўлган муносабатларни ифодалайди.[10]

И.Н.Казакованинг фикрича корхонанинг инновацион салохияти унинг етарлича молиявий кўмаги билан белгиланган инновацион мақсадларга эришини таъминлайдиган вазифаларни бажаришга тайёрлигини билдируувчи ўлчов сифатида қарайди. Корхонанинг инновацион салохиятининг ортиши кўп жихатдан минтақаларда инновацион фаолиятни ривожланишига асос бўлади. [12]

Бозор муносабатларига ўтишнинг ўзбек моделининг ўзига хос хусусиятларини инобатга олиб саноат корхоналарида инновацион салоҳиятни ривожлантиришнинг илмий-

назарий асослари республикада Н.Юлдашев, Ш.Зайнутдинов, М.Махкамова, Ш.Мирсаидова ва бошқа олимлар томонидан кенг тадқиқ этилган.

Иқтисодчи олимлардан Ш.Мустафақуловнинг худудларни ижтимоий-иқтисодий ва инновацион салоҳиятига бахолашнинг услублари таҳлили, И.Умаров, С.Саидкаримова, Ш.Обулқосимовларнинг саноат корхоналарини инновацион кўрсаткичлари таҳлили, Г.Шаназарова саноат корхоналарида инновацион салоҳиятни бошқариш механизимин такомиллаштириш каби илмий ишларида илмий тадқиқотлар олиб борилган. Саноат корхоналари ахолининг эхтиёжларини ишлаб чиқарувчи эканлигини хисобга олиб саноат корхоналарининг ўзига хос бўлган инновацион фаолиятини бошқариш, инновацион фаолиятини хамда салоҳиятини баҳолаш, уни бошқаришни такомиллаштириш юзасидан етарлича ўрганилмаганлиги айниқса 2020 йил бошида бошланган COVID-19 глобал пандемияси даврида саноат корхоналарини молиявий қийинчиликларга учрамасдан, барқарор фаолият юритишлари учун зарурат эканлигини кўрсатди.

Тадқиқот методологияси.

Мақолада абстракция-матиқий фикрлаш, қиёсий таҳлил, илмий мушохада, индукция ва дедукция баҳолаш усулларидан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар.

Бугунги кунда жахон иқтисодиётининг худудларда иқтисодий ривожланишнинг асосий манбаси сифатида инновация қарала бошланди. Худудлар хамда хўжалик юритувчи субъектлар, иқтисодиётнинг сохалари ривожланишига ўзларининг фаолиятига инновация жараёнларини фаол жорий қилиш натижасида самарали эришилмоқда. Саноат корхоналари инновацион фаолият олиб боришларида корхоналарнинг инновацион салоҳияти шаклланиши ва унга таъсир қилувчи омилларни илмий-назарий асосларини чуқур таҳлил қилишлари талаб этилади.

Жаҳон иқтисодиётида “инновация” ва “инновацион салоҳият” атамалари XX асрнинг дастлабки ўн йилликларидан Й.Шумпетер томонидан “янгилик”, “тадбиркорларга мотивация берувчи ўрганилмаган илмий-ташкилий омиллар” мазмунларида изохланган.[13] Илмий жихатдан “инновацион салоҳият” атамасини биринчилардан бўлиб К.Фримен мақсадларга эришиш йўлида юзага келадиган имконият, ички ресурс, энергия тизими сифатида изохлаган.[14] Бундан ташқари яна кўплаб олимлар ва мутахассислар ўзларининг худудлари хусусиятларидан келиб чиқиб, инновацион салоҳият атамасига изох келтиришган бўлиб, унга таъсир қилувчи омиллар бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб боришган.

Россиялик иқтисодчи олимлар С.Новоселов, Ю.Угарова, М.Кузнецовларнинг илмий тадқиқотларида озиқ-овқат саноати корхоналарининг инновацион салоҳияти 9 та гурухга бўлинган факторларни тахлилий-баҳолаш орқали белгиланади.[15]

- Корхонанинг молиявий ҳолати таҳлили,
- Корхонанинг интелектуал салоҳияти таҳлили,
- Ташкилий-бошқарув структураси таҳлили,
- Корхонанинг маркетинг ўтказиш ҳолати таҳлили,
- Корхонанинг ахборот-методик таъминланганлик даражаси,
- Инновацион лойихаларни реализация қилиш даражаси,
- Ташқи инновацион муҳитнии бахолаш,
- Корхонанинг моддий-техник салоҳияти тахлили,

- Корхонанинг инновацион маданият даражаси

Юқорида келтирилган омиллар холатини бахолаш орқали озиқ-овқат саноати корхонасининг инновацион салохияти тахлил қилинган.

Бозор муносабатлари шароитида озиқ-овқат корхоналарида умумий салоҳиятни иқтисодий салоҳият акс этттиради. Корхонанинг иқисодий салохияти қуйидаги расмда акс эттирилган.



Корхоналарнинг иқтисодий салоҳияти шу корхонанинг ташкилий-бошқарув, ишлаб чиқариш, маркетинг, меҳнат(интелектуал), молиявий хамда инновацион салоҳияти йиғиндиси орқали шаклланади. Бунда барча йўналишлар йиғилиб битта бутунликни ташкил қилади.

Хозирги рақамли иқтисодиёт риожланаётган, кучли рақобат муҳити даврида корхоналар самарали фаолият юритиши учун албатта инновацион фаолиятни бошқаришлари, инновацион салоҳиятни доимий тарзда ривожлантириш имкониятларини қидириш зарурати юзага келди.

Юқорида иқтисодчи ва олимлар томонидан инновацион салоҳият атамасига келтирилган изохлардан келиб чиқиб қуйидаги ўзимизнинг изохни келтирамиз: саноат корхоналарининг инновацион салоҳияти бу корхонанинг маълум бир стратегик мақсадларга эришиш йўлида мавжуд ресурслардан фойдаланиб, ишлаб чиқаришга янги техника хамда технологияни фойдаланиш қобилиятидир.

Саноат корхоналарининг инновацион салохиятига таъсир қилувчи асосий омиллардан бири корхонанинг молиявий холати бўлиб, корхона молиявий жихатдан барқарорлиги инновацион фаолиятни тез ривожланишига олиб келади. Корхоналарнинг пул маблағларининг етарлилиги корхона инновацион фаолиятини юритилишини моддий

жихатдан барқарор таъминлашга натижада эса корхона фаолиятига инновациялар жорий қилинади. Корхонанинг молиявий холати талаб даражада эмаслиги унинг инновацион фаолиятига маблағ ажратилишида етишмовчилик пайдо бўлади. Инновацион фаолият зарурати нуқтаий назаридан охирги навбатдаги харажатларга айланади. Натижада корхонада инновацион ўзгаришлар бўлмайди.

Корхонанинг интелектуал салоҳияти корхона ходим ва ишчилари ўртасида билимли хамда малакалиларнинг амалда бўлиши орқали қўринади. Ишчиларнинг инновацияларга нисабатан муносабатлари ва инновацияни қабул қилишларини акс эттиради. Ривожланишни истайдиган озиқ-овқат саноати корхонаси борки ривожланиб кенгайиши учун корхонанинг интелектуал салохиятига жиддий қараши талаб этилади.

Корхонанинг ташкилий-бошқарув шакли корхонанинг инновацион фаолият олиб бориш ёки олиб бормаслигини билдиради. Яъни ташкилий-бошқарув структурасида инновацион фаолият акс этиши корхонанинг стратегик ривожланишида мухим ўринни эгаллайди.

Маркетинг фаолияти корхонанинг инновацион фаолияти натижасида яратилган янги махсулотини бозорини топишида асосий вазифани бажаради. Истеъмолчилар истакларидан келиб чиқиб, улар хохлаган махсулотлар тўғрисида маълмотлар инновацион фаолият билан шуғулланадиганларга узатилади. Ушбу маълумотлар асосида керакли бўлган махсулотлар ва жараёнлар устида инновацион фаолият олиб борилади.

Махсулотлари устида корхоналарда инновацион ғояларни шакллантириш, уларни қўллаб-қувватлаш ва амалга оширишда инновацион муҳитнинг ўрни мухимдир. Корхоналардаги инновацион ғояларни тижоратлаштириш учун албатта уларда инновацион муҳит шаклланган ва инновацион салоҳият юқори бўлиши лозим. Бунинг учун хориж амалиётида мазкур масала билан боғлиқ тадқиқотларнинг илмий-назарий ўрганиб, саноат корхоналари шароитига мос услубиётлардан фойдаланиш талаб этилади.

Ҳулоса ва таклифлар.

Бозор механизмига асосланган иқтисодиётда кучли рақобат муҳити шаклланади. Кучли рақобат муҳитида барқарор ривожланишнинг асосий шартларидан инновацияни ишлаб чиқариш жараёнига кенг жалб қилиш орқали махсулотлар таннархини пасайтириш, ишлаб чиқариладиган махсулот ассортиментини кўпайтириш, замонавий технологиялар асосида ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар сифатини яхшилаш хисобланади. Озиқ-овқат саноати корхоналарида ушбу мақсадларга корхонанинг инновацион салоҳиятини ошириш орқали эришилади. Корхонанинг инновацион салоҳиятни оширишда унга таъсир қилувчи омиллар сифатида қуйидагиларни келтиришимиз мумкин.

- Худуд иқтисодий конюктура даражаси, ижтимоий инфратузилмаси, банк-молия тизими, қимматли қоғозлар бозори ривожланганлиги хамда солиққа тортишнинг соддалиги,
- Хорижий капиталга нисбатан давлат томонидан олиб бориладиган сиёсат, товарларни ички ва ташқи бозорларда сотиш имконияти,
- Корхонанинг интелектуал салоҳияти (ходимларнинг билим даражаси хамда малакаси), ишлаб чиқариш жараёнига замонавий технологияларни жорий қилиш даражаси,
- Корхона ишлаб чиқариш фаолияти билан боғлиқ илмий-тадқиқот институтлари билан хамкорликни йўлга қўйиши, алоқаларни ривожлантириши,

корхонанинг инновацион фаолияти билан шуғулланадиган илмий ходимлар сонини бўлиши,

- Ходимлар оладиган ўртача иш хақи миқдори,
- Инвестицион мухит(инвестицион жозибадорлик),
- Корхонанинг ишлаб чиқариш жараёнига замонавий технологияларни ишлатиш даражаси.

Саноат корхоналарининг ривожланишида инновацион салоҳиятни ва унга таъсир қилувчи юқорида санаб ўтилган омиллар бўйича тахлиллар олиб бориш, корхоналарнинг замон талаблари доирасида фаолият юритишларига имконият хамда шароитлар яратади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РУЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони. // www.lex.uz.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрдаги «2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5544-сонли Фармони. // www.lex.uz
3. Antonio Carrizo Moreira. Luis Miguel D.F., Zimmerman Ricardo A. Innovation and Supply Chain Management: Relationship, Collaboration and Strategies(Contribution to Management Science. Springer 2018. 343p.
4. Charis Galanakis. Innovation Strategies in the Food Industry, Volume 12345 1st Edition
5. Ruth Rama. 1st Edition Handbook of Innovation in the Food and Drink Industry. Copyright Year 2008
6. Ruth Rama. Empirical studies of innovation in the food and beverage industry. 2008 year.
7. Carolina Machado, J. Paulo Davim. Innovation Management in research and industry.
8. Robert Dow Buzzell, Robert E. M. Nours. Product Innovation in Food Processing, 1954-1964.
9. Robert Leskovar, Alenka Baggia, Peter Metikovich. Assessment of innovation potential in small and medium enterprises. Conference March 2013.
10. С.А.Кирюш. Методологические аспекты инновационной деятельности в цепях поставок пищевой продукции.
11. Кузина, Людмила Александровна. Стимулирование инноваций в пищевой промышленности. Москва-2013.
12. Казакова, Инна Николаевна. Развитие инновационного потенциала пищевой промышленности региона. ставрополь-2011 год.

a. Й.А.Шумпетер. Теория экономического развития. М-.:Директ-медиа публишинг.2008 йил. 401б.

13. Р.А.Фатхуддинов. Инновационный менеджмент. Учебник для вузов. Питер-2010 йил. 448б.
14. С.Новоселов, Ю.Угарова, М.Кузнецов. Оценка инновационного потенциала предприятий пищевой промишленности в региональных условиях. Инновационное развитие. Ползуновский альманах №3 2009 том1.